# VII. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 144,9 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,9 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1 555,7 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 103,6 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми**

| | ***2017 йил январь-декабрь*** | ***2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*** |
|---|---|---|
| Ташилган юк, млн. тн | 144,9 | 111,9 |
| *шу жумладан:* | | |
| автомобил транспортида | 144,9 | 111,9 |
| Юк айланмаси, млн. тн-км | 1 555,7 | 103,6 |
| *шу жумладан:* | | |
| автомобил транспортида | 1 555,7 | 103,6 |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 100,3 фоизга кўпайди ва 224,8 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 14,4 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 14,9 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 1 176,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,2 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,0 фоизга кўпайиб, 10 579,3 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

**Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади**

| | ***2017 йил январь-декабрь*** | ***2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*** |
|---|---|---|
| Транспортда ташилган йўловчилар*, млн. киши* | 1 238,1 | 103,5 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 1 176,5 | 103,2 |
| Йўловчи айланмаси*, млн. йўловчи-км* | 11 028,3 | 103,3 |
| *шу жумладан*, автомобил транспортида | 10 579,3 | 103,0 |

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 101,8 фоизга кўпайди ва 6 301,0 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 59,6 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 60,3 фоиз).